

## ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТГАН АРХЕОЛОГ-ОЛИМЛАР

**Сарвар Боймирзаев**

Ўзбекистон тарихи давлат музейи илмий ходими

[sarvar94dilbar97@gmail.com](mailto:sarvar94dilbar97@gmail.com)

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбек археологиясининг тарихида ўчмас из қолдирган, шу билан биргаликда Ўзбекистон тарихи давлат музейида фаолият юритган М.Э. Массон, Т. Мирғиёзов, Л.И. Албаум, Ю.Ф. Буряков, К.Алимов, Ў. Алимов, Н. Ахунбабаева, М.Э. Воронес, Б. А. Латинин, В.И. Спришевский, К.А. Шахурин сингари археолог-олимларнинг тадқиқотлари натижасида Ўзбекистон тарихи давлат музейининг археология фондини бойитилиши ҳақида фикр юритилган.

**Калит сўзлар:** музей, илмий ходим, археолог, археология, экспедиция, манзилгоҳ, фонд, коллекция, сопол парчалари.

## SCIENTISTS-ARCHEOLOGISTS WORKING IN THE STATE MUSEUM OF HISTORY OF UZBEKISTAN

**Sarvar Boymirzayev**

Researcher in state museum of history of Uzbekistan

[sarvar94dilbar97@gmail.com](mailto:sarvar94dilbar97@gmail.com)

### ABSTRACT

This article deals with such famous scientists who have left an indelible mark on the science of archeology of Uzbekistan, such as M.E. Masson, T. Mirgiyazov, L.I. Albaum, Yu.F. Buryakov, K. Alimov, U. Alimov, N. Akhunbabaeva, M.E. Voronets, B.A. Latinin, V.I. Sprishevsky, K.A. Shakhurin, as a result of scientific research of which the archaeological fund of the State Museum of the History of Uzbekistan was replenished and enriched

**Keywords:** museum, researcher, archeologist, archeology, expedition, location, fund, collection, pottery fragments.

## КИРИШ

Музей сўзи – юнонча музаларга бағишланган жой деган маънони билдириб, моддий-маънавий ёдгорликларни тўплаш, сақлаш, ўрганиш ва тарғиб қилиш ишларини амалга оширувчи илмий маърифий муассасадир. Ўзбекистонда биринчи музей 1876 йил 12 июлда Тошкент музейи номи остида ташкил этилган. Кейинги йилларда музей яъни 1800 йилда “Тошкент жамоатчилик музейи”, 1883 йилда кутубхона билан бирлаштирилиб “Туркистон жамоат кутубхонаси ва музейи”, Октябрь тўнтарилишидан сўнг “Туркистон халқлари ўлка музейи”, 1925 йилдан “Ўрта Осиёнинг асосий музейи”, 1930 йилда “Ўрта Осиё тарихи ва революцияси музейи”, 1943 йилда Ўз ФА ССР “Ўзбекистон халқлари тарихи музейи”, 1969 йилдан ёзувчи М.Т. Ойбек номи билан юритилган. Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 21 апрелдаги 203-сонли қарорига биноан В.И.Ленин музейининг Тошкент филиали ва М.Т. Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейи тугатилиб, уларнинг негизида Ўз ФА ҳузуридаги Ўзбекистон тарихи давлат музейи ташкил этилди бугунги кунгача шу ном билан атаб келинмоқда.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТАДОЛОГИЯ

Минг йиллик тарихимизга оид археологик топилмаларни халқимизга, бутун дунёга кўрсатиш ва келажак авлодга етказиб беришда Ўзбекистон тарихи давлат музейининг ўрни беқиёсдир. XX асрда музей ишига алоҳида эътибор қаратила бошлади. Бу даврда музей бир нечта бўлимларга бўлинди. Ҳар бир бўлим ўз йўналишида муайян ютуқларга эришди. Жумладан, археология бўлимига назар ташласак, археолог-олимларимиз томонидан археологик ёдгорликлардан топилган буюмлар юртимиз тарихини кўрсатиш билан биргаликда музейнинг экспонатлари ўртасида алоҳида қимматлилик жиҳатидан ажралиб туради. Музейда сақланаётган археологик фондларни ўрганиш натижасида шу нарса аниқ бўлдики, топилган археологик материалларни музейга топширган археолог-олимларнинг кўпчилиги Ўзбекистон тарихи давлат музейида фаолият юритган. Улардан баъзи бирларининг илмий фаолияти ҳақида фикр юритамиз.

1923 йилда Турккомстарис буйруғи билан, Самкомстариснинг археология бўлими раҳбари М.Э. Массон Ўрта Осиё бош музейи археология бўлими бошлиғи лавозимига ўтказилган ва 1929 йилгача фаолият юритган. Ўша даврда археология бўлими фаолиятини ташкиллаштириш, археологик ва нумизматик коллекцияларнинг бойитилиши ҳамда уларнинг қайд этилишида унинг

хизматлари катта бўлди. Тарих фанлари доктори, археолог М.Э. Массон илмий фаолияти давомида Қорамозор тоғини Оҳангарон худудида, Сумбара (Туркменистон), Талас водийларида (Қирғизистон) қазилма ишларини олиб борган. 1936-1938 йилларда Термиз археологик комплекс экспедицияси (ТАКЕ) га, 1945 йилда Жанубий Туркменистон археологик комплекс экспедицияси (ЖТАКЕ) га, 1963 йилда Кеш археологик-топографик экспедицияси (КАТЕ) га раҳбарлик қилган. Тадқиқотлар натижасида топилган топилмалар юртимизнинг ўрта асрлар даврини ёритишда муҳим аҳамият касб этади.

Музей тарихида ўчмас из қолдирган яна бир археолог бу – Турди Мирғиёзовдир. У археологик топилмаларни сотиб олиш ва музей фондларида сақлашга доир жуда кўп ишларни амалга оширган. Мирғиёзов музейда археолог бўлиши билан биргаликда реставратор лавозимида ҳам ишлаган. Музей фондларини тартибга келтириш, бундан ташқари кўргазмаларни ташкил этишда ҳам фаол иштирок этган. У М.Э. Массондан ташқари бир қатор олимлар: Я.Ғ. Ғуломов, А.Ю. Якубовский, В.А. Шишкин, А.И. Тереножкин билан ҳам бирга фаолият олиб борган.

Ўзбек археологиясини ривожланишига ўзининг беқиёс хизматларини қўшган археолог Л.И. Альбаум 1975-1995 йилларда музейда катта илмий ходим лавозимида ишлаган. Фаолияти давомида бир нечта археологик ёдгорликларни ўрганган. Олим томонидан топширилган археологик топилмалар Ўзбекистон тарихи давлат музейи археология фондининг бир нечта коллекцияларида жамланган. Тўпланган археологик материаллар қадимги ва ўрта асрларда Сурхондарё вилояти аҳолисининг турмуш-тарзи ва маданиятини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Археология соҳасида салмоқли фаолият юритган археолог-олимларимиздан яна бири Буряков Юрий Феодорович бўлиб, у 1956-1965 йилларда Ўзбекистон халқлари тарихи музейида кичик, катта илмий ходим, илмий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимларида ишлаган. ЮНЕСКО билан ҳамкорликда ташкил этилган “Буюк ипак йўли- халқларнинг мулоқот йўли” лойиҳасида фаол иштирок этган.

Музейда ака-ука археологлар ҳам фаолият юритган бўлиб, акаси Алимов Комил Адилевич 1971-1981 йилларда кичик илмий ходим лавозимида ишлаган. Фаолияти давомида зардуштийларга тегишли наусни тиклаш ишларида фаол қатнашган. 1972 йилда укаси Ўткир Алимов билан биргаликда қадимги Кавардан (Тошкент вилояти) манзилгоҳини тадқиқ этиш натижасида қўлга киритилган 605 дона топширилган археологик топилмалар 219-сонли

коллекция таркибига киритилган. 1979-1980 йилларда укаси О. Алимов билан биргаликда ушбу манзилгоҳда қайта қазил ишларини олиб борган. Топилган 153 та топилма музей археология фондининг 332-сонли коллекциясидан ўрин олган.

Алимов Ўткир Адилевич 1988-1996 йилларда катта илмий ходим бўлиб ишлаган. 1971-йилда Самарқанд вилоятидаги Амир Темурнинг Боғи Дилкушо ва Боғи Давлатобод боғларини ўрганган. Музейга топширган 2 та топилма 303-сонли коллекция таркибига киритилган.

Ахунбабаева Назира Исмаиловна 1983-1996 йилларда илмий ходим бўлиб ишлаган. Қадимги Марв шаҳри ҳудудида, Самарқанд вилояти Каттакўрғон тумани Оқтош манзилгоҳида, ҳамда Тўқтағул сув омборларида Сурхондарё вилояти Термизда археологик тадқиқот ишларини олиб борган. Музей фондидаги Катта Фарғона канали, Тошкент вилояти ҳудудидаги археологик манзилгоҳларни каталогини тузишда раҳбарлик қилган.

Ўз меҳнат фаолиятини Ўзбекистон тарихи давлат музейи билан боғлаган археологлардан бири, Воронеж Максимилиан Эммануилович бўлиб, у 1944-1954 йилларда музейида фаолият юритган. У икки томлик “Ўзбекистон халқлари тарихи” асарни муаллифларидан биридир. 1939 йилда 300 дан ортиқ Тошкент вилоятидаги археологик объектларни аниқлаб, археологик харитасини тузган. 1939 йилнинг ёзида Э.Г. Оболдуев билан бирга Фарғона водийсининг йўл харитаси – Сар-Кўрғон-Сўх-Хайдаркон-Шохимардон йўналишини ишлаб чиққан. Унинг раҳбарлиги ва ташаббуси билан тарих музейининг “Трудов” тўплами нашр этилган.

Латинин Борис Александрович 1930 йилдан музейда фаолият юрита бошлаган. 1933-1934-йилларда Фарғона водийсини сув ва электр станциялари бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб борган. Биринчи бўлиб Фарғонадаги сўнгги бронза даврига тегишли Элатан ёдгорлигини ўрганган.

Археология соҳасида ўзининг салмоқли меҳнати билан из қолдирган археологлардан яна бири Спришевский Виктор Исидорович бўлиб, у 1946 - 1953 йилларда Ўзбекистон халқлари тарихи музейида оммавий ўйинлар ташкил этувчи, илмий котиб, кичик илмий ходим лавозимларида ишлаган.

Шахурин Константин Александрович 1960-1965 йилларда Ўзбекистон халқлари тарихи музейида кичик илмий ходим бўлиб ишлаган. Мутахассислиги реставратор бўлиб, фаолияти давомида Сурхондарё вилоятининг Қаразиттепа, Зангтепа, Қараултепа, Далварзинтепа ҳудудларини ўрганишда иштирок этган. Илк ўрта асрларга оид Чорвоқ сув омбори яқинидаги Ниёзтепани ўрганган.

## НАТИЖАЛАР

М.Е. Массон томонидан Қирғизистоннинг Ўзган туманида 1927 йилда археологик тадқиқот олиб борилиши натижасида топилган 41 дона сопол буюм қисмлари музейга топширилиб, 137-сонли археологик коллекцияга киритилган. 138-сонли коллекцияга 1928 йилда Т. Мирғиёсов билан Тўйтепани ўрганиш натижасида топилган 154 дона сопол идиш қисмлари киритилган. 144-сонли коллекцияга 24 дона Оқтепа ҳудудидан топилган сопол буюм парчалари сақланмоқда. 202-сонли коллекцияда эса 96 дона “Чиннихона”-Мирзо Улуғбек саройининг меморий манзарасига оид топилмалар сақланмоқда.

Турди Мирғиёсов илмий фаолияти давомида қуйидаги коллекцияларни музейнинг археология фондига топширган. 10-сонли коллекцияда дона Қорақум чўлидан топилган сопол идиш парчалари, 146-сонли коллекцияда Қафқол-Шоший қабристони яқинидан топилган 8 дона сопол буюм қисмлари сақланмоқда. 158-сонли коллекциядан 46 дона Туркменистоннинг Анов Масжидидан топилган сопол буюм парчалари жой олган. 159-сонли коллекцияда Қашқадарё вилоятининг Қовчин қишлоғидан топилган 12 дона меъморий кўринишни акс эттирувчи сопол буюм парчалари, 160-сонли коллекцияда Тошкентнинг Хадра майдонидан топилган 32 дона сопол буюм парчаси, 161-сонли коллекцияда Қашқадарё вилояти Тўрткўл қишлоғидан топилган 2 дона меморий декорация тўплами жамланган. 161А, 162-сонли коллекцияларда Қашқадарё вилояти Бешкент шаҳарчасидан топилган 15 дона сопол буюм қисмлари, 163-сонли коллекцияда Қашқадарё вилояти Қарши туманидан топилган 15 дона сопол буюм парчалари, 221-сонли коллекцияда Қашқадарё вилоятининг қадимги Косон кўрғонидан топилган 39 дона сопол буюм парчаси, 222-сонли коллекцияда Қашқадарё дарёсидан 10 км. ғарбдаги қадимги Косон шаҳридан топилган 11 дона сопол бўлаги ўрин олган. 223-сонли коллекцияда Қирғизистоннинг Садирқўрғон аҳоли пункти харобаларидан топилган 75 дона сопол буюм парчалари, 224-сонли коллекцияда Туркменистоннинг Анов ҳудудидан топилган 47 дона деҳқончиликка оид сопол буюм қисмлари сақланмоқда. 225-сонли коллекцияда Тошкент вилоятининг Тавқоттепа харобаларидан топилган 37 дона сопол буюм қисмлар, 252-сонли коллекцияда Сурхондарё вилояти Термиз туманидан топилган 127 дона сопол буюм қисмлари, 254-сонли коллекцияда 135 дона Тошкент канали қурилишида ишлатилган археологик топилмалар сақланмоқда. Юқорида санаб ўтилган коллекциялар Туркменистон, жанубий Ўзбекистон аҳолисининг ўрта

асрлардаги ижтимоий ҳаёт тарзини ёритиш учун муҳим археологик манба бўлиб хизмат қилади.

Л.И. Альбаумга тегишли 184-сонли коллекцияда 1964 йилда сўнгги бронза ва илк темир даврига оид Кучуктепа ёдгорлигидан олиб борилган экспедиция натижасида қўлга киритилган 160 дона археологик буюмлар сақланмоқда. 1950-1954 ййилда ўрганган Сурхондарё вилояти Хайрободтепадан топилган 216 та археологик материаллар 214-сонли коллекцияга киритилган. 215-сонли коллекцияга 1950-1952 ййида Сурхондарё вилояти Зартепа худудини ўрганиш натижасида топилган 200 та археологик материаллар киритилган. 1953 йилда Сурхондарё вилояти Болаликтепа ёдгорлигидан топилган 12 дона археологик топилмалар музей археология фондининг 217-сонли коллекциясида сақланмоқда. 248-сонли коллекцияга Сурхондарё вилояти қадимги Чаёнтепадан 1956 йилда топилган 13 та археологик топилмалар киритилган. Фаёзтепа буддавийлик ёдгорлиги 1968-1973 йилларда ўрганилиб ундан топилган 577 та археологик буюмлар 274-сонли археологик коллекцияда жамланган. Сурхондарё вилояти Эски Термиз шаҳридан топилган 93 та Сопол қувур парчалари 284-сонли коллекциясида тўпланган. Археолог томонидан 1986 йил Сурхондарё вилояти Чингизтепа ёдгорлигидан ўрганганилган бўлиб, у ердан 1140 дона архитектуравий декор ва бошқа археологик топилмалар топилган ва 286-сонли коллекциясига киритилган. 290-сонли коллекцияда эса 1980 йилда ўрганган Сурхондарё вилояти Эски Термиздан топилган XII-XIV асрларга оид 124 та сопол идиш парчалари сақланмоқда. 1956-1958 йилларда ўрганган Сурхондарё вилоятидаги VI-VII асрларга оид Жумалактепа ёдгорлигидан топилган ёқиб юборилган ёғочдан ясалган 3 та ҳайкал парчаси ва археологик топилмалар 297-сонли коллекцияга киритилган. 1962 йилги археологик тадқиқотлар натижасида VII-VIII асрларга оид Сурхондарё вилояти Зангтепа қалъасидан 66 дона санскрит тилида ёзилган қайин парчаси топиб ўрганилиб 300-сонли коллекциясида сақланмоқда. Археолог-олимнинг тадқиқотлари натижасида топилган ашёлар Сурхондарёнинг ўтмишини бир нечта номаълум саҳифалари очиб берди. Тадқиқотлари ичида христианлик ибодатхонаси топилиши юртимизда турли динларга эътиқод қилган халқларни яшаганлигидан далолат беради.

Археолог-олим Буряков Юлий Феодорович томонидан музейга топширилган топилмалар музей асосий фондида қуйидаги коллекция номерлари остида сақланмоқда: 96-сонли коллекцияда 1965 йилдаги қозишма

ишлари натижасида Биричмулладан топилган 302 та археологик топилмалар, 97-сонли коллекцияда Пскемтепадан топилган 74 та археологик топилмалар жамланган. 98-сонли коллекцияда 1964-йил ўрганган Тошкент вилоятида жойлашган Қадимги Тўрткўлтепа 1-П. дан топилган 31 дона археологик материаллар, 99-сонли коллекцияда 1964-1965 йилларда Кадаваттепа ёдгорлигидан топилган 189 дона археологик топилмалар сақланмоқда. 241-сонли коллекцияда 1960 йилда Наугарзонсой-Оҳангарондан топилган 1 та сопол буюм, 266-сонли коллекцияда эса Мингўрик ёдгорлигида Д.Г. Зилпер билан 1953-1957, 1958-1959, 1962 йиллар давомида ташкил этилган қазил ишлари натижасида қўлга киритилган 379 та археологик топилмалар сақланмоқда. 268-сонли коллекцияда С.Х.Ишонхўжаева билан 1957-йилда Оққўрғон, Қанқа ва Шоҳруҳиядан тўплаган 121 та сопол буюмлар жамланган. 272 -сонли коллекцияда Ўрта асрлардаги Тункат-қадимги Илоқ шаҳри ўрнидан С.Х.Ишонхўжаева билан 1959-1960 йилларда тўплаган 732 та археологик топилмалар, шунингдек, 301-сонли коллекцияда 1973-йилда Шоҳруҳия шаҳри ўрнидан топган 99 та археологик материаллар тўпланган. Ушбу коллекцияларда сақланаётган археологик топилмалар Тошкент вилояти аҳолисининг маданиятини ёритишда алоҳида аҳамиятга эга.

М.Э. Воронец 1950 йилда Помир-Фарғона археологик экспедициясига раҳбарлик қилган ва 1298 та археологик топилма музейга топширган. Улар 261, 262-сонли коллекциялардан ўрин олган. Бундан ташқари музей кўрғазмаларини ташкил этишда фаол иштирок этган. 1951 йилда Помир-Фарғона археологик экспедициясини давом эттирилган. Фарғона водийси ва Қирғизистонда жойлашган Кулпаксойдаги Муғхона, Учинаурсой, Сарколсойдан 1643 та археологик топилма музейга топширган бўлиб, 263-сонли коллекция таркибидан жой олган. М.Э. Воронецнинг археологик фаолияти асосан Фарғона водийси ва унга туташ ҳудудлар билан боғлиқ бўлиб, тўпланган топилмалар бизга Фарғона водийси ва унга ёндош ҳудудлар тўғрисида тўлақонли маълумотларга эга бўлиш имконини беради.

В.И. Спришевски 1946 йилда Я. Ғуломов билан Қорақалпоғистондаги Жонбозқалъа 46, 5, 6 ёдгорлигини ўрганиш давомида топилган 96 та археологик топилма музей археология фондининг 90 – сонли коллекциясидан жой олган. 1953 йилда феодализм ва археология фонди раҳбари, 1960-1974 йилларда катта илмий ходим бўлиб ишлаган. Хоразм археологик экспедициясига раҳбарлик қилиб, Жонбозқала-4 ва Тупроққала шаҳрини, 1947 йил Тешиктепа (Тошкент), 1948 йилда Улуғбек расадхонасини, 1948 йилда

Тошкент шаҳри Олмазор туманидаги мил. II асрга оид қабристонини ўрганган, 1950 йилда Чотқолдаги қадимги манзилгоҳларда текширув ишларини олиб борган, 1950-1951 йилларда бронза даврига оид Бухоро вилоятидан топилган Зомонбобо қабристонидан, 1951-1952 йилларда Бухоро вилоятидаги Қизилқирда илмий тадқиқот ишларини олиб борган. 1950-1951 Фарғона водийсидаги сўнгги бронза даврига тегишли (мил.авв II мингйиллик) Чуст ва мил. II асрга оид қабристонидан М.Э.Воронец билан қазиш ишларини амалга оширган. Экспедицияда топилган 14 та топилма музей археология фондининг 259 – сонли коллекцияда сақланмоқда. 1953-1961 йилларда Чуст археологик экспедициясини бошқарган. 1956 йилда Қорамозор шаҳридан топилган 22 та археологик топилма музей археология фондининг 264-сонли коллекция китобига киритилган, 1961 йилда Бошбулоқдан 4 та археологик топилма музей археология фондининг 93-сонли коллекциясида сақланмоқда, 1961 йилда Терговчи манзилгоҳидан топилган 3 дона сопол буюм музей археология фондининг 94-сонли коллекция китобига киритилган. 1963-64 йилларда Тошкент вилояти Хўжакент туманида жойлашган Коронкултепа манзилгоҳидан топилган 225 дона топилма 85-сонли коллекциясида сақланмоқда. 1965 йилда Афросиёбни, шу йили Сирдарё бўйидаги Сарлитошқалъа (Хоразм вилояти) ҳудудида жойлашган бўлиб, топилган 7 та топилма 210-сонли коллекциясига коллекцияга киритилган, 1971 йилда Киндиктепадан топилган 18 та археологик топилма 228-сонли коллекциясидан жой олган. 1978-1982 йилларда мил.авв. IV-III асрларга тегишли Шоштепани қазиш ишларини давом эттирган. Археолог томонидан топиб ўрганилган ушбу манзилгоҳлар юртимизнинг қадимги даври маданиятини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

## МУҲОКАМА

Археолог К.А. Шахурин томонидан Ниёзтепадан топган 42 та археологик топилма музейнинг археология фондининг 77-сонли коллекциясида сақланмоқда. Фарғона водийсидаги бронза даврига оид Акбаробод ва Язтепани тадқиқ этган. 1955 йилда Сурхондарё вилоятини ўрганиб 25 дона сопол парчаларини музейга топширган. У 270-сонли коллекция таркибига киритилган. К.А. Шахурин томонидан топширилган ушбу археологик коллекциялар илк ўрта асрларда Сурхон воҳаси ва Чорвоқ сув омбори атрофида истиқомат қилган аҳолисининг турмуш тарзи ҳақида маълумот беради.

Археолог Л.И. Альбаум томонидан Кучуктепа ёдгорлигини ўрганилиши натижасида топилган топилмалар орасида аҳоли яшаш манзилгоҳини топилиши

алоҳида аҳамият касб этади. Бундан ташқари сопол идишлар, бронза пичоқлар, камон учлари, суюқлар топилган. Сопол идишларнинг бир нечтаси реставрация қилинган

Биз юқорида келтириб ўтган топилмалар орасида алоҳида диққатга савовори ҳамда музейга ташрифчиларни кўпроқ жалб этадиган торилма бу – буддавийлик дини билан боғлиқ бўлган экспонатлардир. Бу топилмалар орасида энг диққатга сазоворлари Айритом манзилгоҳи ҳамда Фаёзтепа ёдгорлигидан топилган буддавийлик ҳайкаллари дир. Ўзбекистоннинг жанубий худуди антик даврда Буддизм марказларидан бири бўлганлигини тасдиқловчи бир нечта буддизм динига оид ҳайкаллар топиб ўрганилган.

## ХУЛОСА

Археология фонди Ўзбекистон тарихи давлат музейининг асосини ташкил этади. Музейининг 145 йиллик фаолияти давомида кўпгина археологлар фаолият юритиб келмоқда. XX асрнинг 90 йилларигача фаолият юритган, юқорида биз илмий фаолияти тўғрисида фикр юритган археологлар музейда фаолият юритган даврда археология фондидини мунтазам тўлдириб боришга ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратган. Ушбу археологлар фаолияти давомида амалга оширган илмий тадқиқот ишлари натижасида ўзбек давлатчилигининг ташкил топишига оид бир қанча саволларга жавоб топиш мумкин. Уларнинг илмий фаолияти бугунги кунда музей археологлари томонидан давом эттирилмоқда.

Юқорида фикр юритилган археологлар томонидан ўрганилган археологик худудлардан топилган кўпгина топилмалар ўша худуд аҳолисини ижтимоий-иқтисодий ҳаётини, маданий, диний қарашларини қандай бўлганлигини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда.

## REFERENCES

1. Альбаум Л.И. некоторые культовые предметы из раскопок Балалык-тепе / КСИЭ АН СССР. Вып. 30. М., 1958.
2. Бурьяков Ю.Ф. археологические материалы по истории Тункета и Абрлыга, в сб.: материалы по истории Узбекистана, Ташкент, Изд-во “Фан” УзССР, 1966.
3. Воронец М.Э. Каменное изображение змеи из кишлака Сох Ферганской области. / КСИИМК. Вып. 61. М., 1956.
4. Глас Ю.И. Музеи Ташкента, Т.; “Узбекистан”, 1983. стр 77.
5. Левтеева Л.Г., Миносянц В.С “Эхо ушедних эпох” Тошкент, 2017. стр 290.

6. Массон М.Е. Из воспоминаний среднеазиатского археолога. Т.,1954.
7. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти» Тошкент, 6 том, 2003. 703 бет.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 21 апрельдаги 203-сонли «Ўзбекистон тарихи давлат музейини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори.
9. Ўз ФА Ўзбекистон тарихи давлат музейи археология тўплами.-Т.: «Silk road media» • «East star media», 2020. 444 бет.
10. Ўзбекистон тарихи музейи археология фондининг 67, 85, 90, 93, 94, 96, 97, 98, 99, 137, 138, 144, 146, 158, 159, 160, 161, 161А, 162, 163, 184, 202, 210, 214, 215, 217, 219, 221, 222, 224, 225, 228, 241, 248, 252, 254, 259, 264, 266, 268, 272,274, 284, 286, 290, 297, 300, 301, 303, 332 сонли коллекция китоблари.